

**«Келишилди»**  
**“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ**  
**Кузатув кенгашининг**  
**2023 йил 11 октябрдаги 4-сон**  
**йиғилишида кўриб чиқилди**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ**  
**Ягона акциядорининг**  
**2023 йил 31 октябрдаги**  
**7-сон қарори билан**

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi”**  
**акциядорлик жамиятининг**  
**Корпоратив бошқарув Кодекси**

## Мундарижа

I. Умумий қоидалар.....	2
II. Жамият фаолият очиклигини таъминлаш .....	3
III. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш.....	4
IV. Ягона акциядор ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишини таъминлаш .....	6
V. Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш .....	7
VI. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг механизмларини жорий этиш.....	8
VII. Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби.....	9
§ 1. Манфаатлар қарама-қаршилиги тушунчаси ва доираси.....	9
§ 2. Манфаатлар қарама-қаршилиги бошқаришдаги асосий тамойиллар.....	10
§ 3. Манфаатлар қарама-қаршилигининг юзага келиш сабаблари ва унинг олдини олиш.....	10
§ 4. Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш .....	14
VIII. Ташкилий тузилмани жорий этиш.....	16
IX. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш .....	17
X. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторинги .....	18
XI. Яқуний қоидалар.....	19
Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар .....	20
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти томонидан Корпоратив бошқарув кодекси нормаларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шакли .....	22

# “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг Корпоратив бошқарув кодекси

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Корпоратив бошқарув кодекси (кейинги ўринларда – Кодекс) “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ўзининг ҳаққоний ва очиқ бизнес юритиш тарафдори эканлигини намоён қилган ҳолда ихтиёрий равишда амал қилувчи қоидалардан иборат.

2. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланган.

Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда Жамиятни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган.

3. Мазкур Кодекс мақсадлари учун **корпоратив бошқарув** деганда, Жамият фаолиятини самарали ташкил этиш, Жамият Уставида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни амалга оширишда Жамият Ягона акциядори, Кузатув кенгаши, ижроия органи, ходимлари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлигига эришиш тизими тушунилади.

4. Кодекс Жамият бошқарув органлари – Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши, шунингдек ижроия органи – Жамият Бошқаруви ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат.

5. Кодекс Ягона акциядор томонидан тасдиқланган кундан эътиборан Жамият бошқарув ва ижроия органлари ва ходимлари учун кучга киради ва улар томонидан риоя этилиши шарт.

6. Кодекс қоидаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш, уни жорий этиш ва мониторинг қилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги 1-иловада келтирилган.

7. Кодекс қоидаларига риоя этиш тўғрисидаги ахборот Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида (кейинги ўринларда – Жамият сайти) ва фонд биржаси сайтида, шунингдек, қонун ҳужжатларида ахборотларни ошкор қилиш назарда тутилган бошқа манбаларда амалга оширилади.

Жамият томонидан Кодекс қабул қилинганлиги, Кодекс қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олиши тўғрисидаги ахборот 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ эълон қилиш йўли билан ошкор этилади.

8. Кодекснинг муайян қоидаларига риоя этиш имкони мавжуд

бўлмаганда, Жамият “*comply or explain*” (“*риоя қил ёки тушунтир*”) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этади.

## **II. Жамият фаолият очиқлигини таъминлаш**

### **9. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Жамият:**

ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Жамият сайти ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа манбаларда давлат тилида, шунингдек бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди;

Ягона акциядорга Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзоларининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошкор этади;

Жамият сайтида Жамият Бошқаруви ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фоиздан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатида мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қилади;

Ягона акциядор талабига кўра имкон қадар қисқа муддат ичида Ягона акциядор ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сир бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.

10. Ўз фаолиятининг очиқлигини, ахборот (маълумотлар) хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши куйидагиларни ўз ичига олган “Ахборот сиёсати” амалга оширилишини таъминлайди:

Жамият томонидан очиқ ахборотларни ошкор қилиш мақсад ва принциплари;

Жамият сайтида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор этиш муддати, тартиби ва шакли, шу жумладан, улар ошкор этиладиган ахборот каналлари;

Жамият тўғрисидаги ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни эълон қилиш бўйича Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари;

Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, Жамият ходимларининг Ягона акциядор ва инвесторлар, бошқа манфаатдор

шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби;

Жамиятда сир сақланадиган ва ҳимоя қилинадиган ахборот (маълумотлар) турлари рўйхати;

Жамиятда сир сақланадиган ва ҳимоя қилинадиган ахборот (маълумотлар)ни сақлаш, уларни ҳимоя қилиш ва ошкор бўлишини олдини олишнинг бошқа чоралари;

Жамиятнинг ахборот сиёсатига амал қилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар.

11. “Ахборот сиёсати” Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ва барча ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

### **III. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш**

12. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида Жамият:

Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш талабларини акс эттиради;

Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат Ягона акциядор учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;

Ягона акциядор қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказади;

Жамият самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсади сифатида Ягона акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни белгилайди;

Жамият Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини Кузатув кенгашида ва Ягона акциядор ҳузурида муҳокама қилинишини таъминлайди;

Кузатув кенгашида Аудит қўмитаси, Кузатув кенгашига бўйсунувчи ички аудит хизматини тузади ва фаолиятини ташкил этади;

ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколатини беради;

Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари

йиғилишларида ўзининг вакиллариини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилайди;

Жамият Бошқарувидан мунтазам равишда Жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қилади.

13. Ягона акциядор томонидан “Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом”ни тасдиқланади ҳамда унда қуйидагилар назарда тутилади:

ички аудит хизмати таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар;

ички аудит хизмати тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти;

ички аудит хизматининг Кузатув кенгаши, Ягона акциядор билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби;

ички аудит хизмати самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби;

ички аудит хизмати ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартиби.

14. “Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом” Жамият бошқарув ва ижроия органи аъзолари, ходимлари учун риоя этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

15. Жамият Устави ва “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ, Кузатув кенгаши таркибига битта мустақил аъзо киритилади.

16. Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичида Жамиятда ва (ёки) Жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

Жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

Жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнги уч йил ичида Жамиятга ва (ёки) Жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

Жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

Жамиятнинг бошқарув органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

Жамият Уставида ёки Ягона акциядор қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

#### **IV. Ягона акциядор ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишини таъминлаш**

17. Ягона акциядорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун Жамият бошқарув органлари:

Жамият сайтида ёзма ва электрон сўровларни, шу жумладан, акциядорлар ўз алоқа маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни юбориши учун манзил кўрсатган ҳолда Ягона акциядорга Жамият билан боғланишни енгиллаштиради;

Ягона акциядор вакили учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, видеоконференц-алоқа тарзида алоқа ва йиғилишлар ўтказиш имконияти ва шароитини яратади;

Жамиятнинг дивидендларни ҳисоблашнинг шаффоф механизмининг очиқ берувчи дивиденд сиёсатини ишлаб чиқади;

Ягона акциядорга унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши учун зарур маълумотларни тақдим этади;

Ягона акциядор вакиллари, инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайди;

уставда Ягона акциядор вакилига Кузатув кенгаши мажлисининг чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув

органи аъзолигига номзод кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқини тақдим этади;

Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилиши шартларини, Кузатув кенгаши раисининг йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолияти тартиби ва функциясини назарда тутаяди;

Ягона акциядорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

## **V. Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш**

18. Узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун Жамият Бошқаруви:

Жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди;

тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг 10 йил ва ундан ортиқ муддатга мўлжалланган **узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини** ишлаб чиқади ва маъқуллаш учун Кузатув кенгашига киритади. Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси Ягона акциядорга тасдиқлаш учун киритилади;

Ягона акциядор томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (3-5 йиллик) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади;

хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллайди;

Жамиятда қабул қилинган ривожланиш стратегиялари ва бизнес режаларида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этади.

19. Кузатув кенгаши Жамият Бошқаруви, Ички аудит хизмати, Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур

бўлганда, Жамиятнинг ривожланиш стратегиялари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади.

## **VI. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг механизмларини жорий этиш**

20. Жамият Бошқарувининг Ягона акциядор ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини жорий этиш учун Кузатув кенгаши:

Жамият Ягона акциядори, Кузатув кенгаши, Бошқаруви, ички аудит хизмати аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этади;

Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлардан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этади;

Кузатув кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилайди;

Жамият Устави, ривожланиш стратегиялари ва бизнес-режаларда белгиланган вазифалар, Ягона акциядор, Кузатув кенгаши томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун Жамият Бошқаруви ваколатига кирувчи масалаларни у томонидан мустақил ҳал этиш талабини жорий этади;

Жамият мансабдор шахсларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали оширади;

Жамият фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этади;

Жамият бизнес хатарлари ва Жамият Бошқаруви жавобгарлигини суғурталайди;

Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини Жамият молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлайди;

Ягона акциядорга ҳисобот берувчи Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви ва Ички аудит хизмати маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни белгилайди;

Жамият Бошқарувининг Ягона акциядор ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмларини жорий этиш учун юқорида қайд қилинган тавсияларни ақс эттирувчи зарур ички ҳужжатларни қабул қилади.

## **VII. Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби**

### **§ 1. Манфаатлар қарама-қаршилиги тушунчаси ва доираси**

21. Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби мазкур Кодексда белгиланади.

Жамият бошқарув ва ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашувига оид қоидалар Кузатув кенгаши томонидан алоҳида ҳужжат билан тартибга солинади.

22. Ушбу Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**манфаатлар қарама-қаршилиги** – Жамият олдида турган вазибаларни бажариш, Жамиятни ривожлантириш, Жамият мол-мулкани тасарруф қилиш ва Жамиятни бошқариш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан Жамият манфаатлари ва Ягона акциядори, Жамиятнинг бошқарув органлари ва ижроия органлари таркибига кирувчи шахслар ўртасида юзага келадиган ҳар қандай зиддият;

**шахсий манфаат** – қонунчиликка мувофиқ даромад (фойда) сифатида баҳоланадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий (моддий) наф ёки шахс томонидан моддий наф олинмаса-да, шахсий мақсадларига эришиш орқали оладиган фойдаси;

**имтиёзли битим** – умумий тартибда тузилган шартнома шартларига қараганда афзаллик (енгиллик, имтиёз) берадиган битим (қелишув);

**аффилиланган шахслар** – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор бўлган шахслар.

23. Мазкур Сиёсатда қуйидаги манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келадиган ҳоллар кўрсатилган:

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши ўртасида;

Ягона акциядор ва Жамият Бошқаруви ўртасида;

Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви ўртасида;

Кузатув кенгаши қўмиталари, Кузатув кенгаши таркибидаги ички аудит органлари ва Жамият Бошқаруви ўртасида.

## **§ 2. Манфаатлар қарама-қаршилиги бошқаришдаги асосий тамойиллар**

24. Жамиятдаги манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришда қуйидаги тамойилларга асосланади:

манфаатлар қарама-қаршилигидаги ҳақиқий ва потенциал маълумотларини ошкор этиш мажбурияти;

хар бир манфаатлар қарама-қаршилигини ошкор этишда Жамият учун эътибор хатарларини индивидуал кўриб чиқиш, баҳолаш ва уларни бартараф этиш;

Жамият бошқаруви, назорат ва ижроия органлари манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф этишдаги манфаатлар мувозанати;

манфаатлар қарама-қаршилиги маълумотларини ошкор этиш ва уларни бартараф этиш жараёнининг қатъий махфийлиги;

манфаатлар қарама-қаршилигини музокара ва муҳокама йўллари билан ҳал этиш чораларини кўриш.

## **§ 3. Манфаатлар қарама-қаршилигининг юзага келиш сабаблари ва унинг олдини олиш**

25. Ягона акциядор ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқаруви орасида қуйидаги ҳолларда манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келади:

қонунчилик талаблари, Ягона акциядор қарорлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

Ягона акциядорнинг Жамият фаолиятига, Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқарувининг қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсата олмаслиги;

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органлари розилигисиз аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тузиши;

Жамият молиявий ҳолати ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқарув ва ижроия органлари қарорларининг қабул қилинишда;

қонунчиликка мувофиқ маълумотларни ошкор этмаслик ёки Жамият бошқарув органлари аъзолари томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа Жамият улушларига (акцияларига) эгалик қилиши тўғрисида тўлиқ маълумот бермаслиги;

Жамият Ягона акциядорнинг устувор манфаатлари тамойилига риоя қилмаслиги;

Жамият бошқарув ва ижроия органлари, ички аудит хизмати аъзоларининг ўзаро мулоқот қоидалари ва профессионал ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслиги.

Жамият бошқарув ва ижроия органлари, ички аудит хизмати

аъзоларининг амалдаги қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз мансаб мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада сифатли бажармаслиги.

26. Барча турдаги манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва ижроия органлари, ички аудит хизмати, Жамият мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

қонунчилик, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатлари, Ягона акциядор қарорлари талабларига риоя қилиш;

узоқ ва ўрта муддатда Жамиятнинг барқарор даромадлигини таъминлаш;

қарама-қаршилик ҳолатларига олиб келадиган ҳаракатлар ва қарор қабул қилишдан тийилиш;

Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;

Жамият ривожланиш стратегиялари ва бизнес-режалари лойиҳаларини кўриб чиқиш, маъқуллаш ва тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш жараёнларида, Жамият Уставида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Жамиятнинг бизнес-режаларини амалга ошириш учун муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда Жамият Ягона акциядори вакиллари, Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқаруви аъзоларининг эркин иштирок этиши ва ўз фикрларини билдиришига имкон яратиш;

Жамиятнинг ноқонуний фаолиятини амалга оширишдаги, шунингдек ноқонуний даромадларни легаллаштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланган фаолиятни молиялаштириш имкониятларини бартараф этиш;

қонунчиликка ва Жамият Уставига асосан бошқарув органлари олдида мунтазам ҳисобот бериш;

Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

қонунчиликда ва Жамият Уставида белгиланган тартибда Кузатув кенгаши ва Ягона акциядор кўриб чиқиши учун йирик битимларни, аффилланган шахслар билан битимларни ёки ўзаро боғлиқ бўлган битим лойиҳаларини, битим тузиш билан боғлиқ бошқа маълумотларни тақдим қилиш;

йирик битимлар, аффилланган шахслар билан битимлар ва ўзаро боғлиқ бўлган битимлар ва уларнинг лойиҳаларидаги шартларнинг ички аудит хизмати томонидан ўрганиб чиқилиши;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши томонидан битимлар бўйича қарорларни қабул қилишда мулкнинг бозор нархини аниқлаш мақсадида мустақил баҳоловчини жалб қилиш. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот

томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

аффилланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаш рухсатисиз йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузмаслик;

Жамият ва унинг аффилланган шахслари билан, шунингдек Ягона акциядор ва унинг аффилланган шахслари билан амалга оширилган битимлар тартибига риоя қилиниши ва ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаш рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;

Жамиятнинг “Ахборот сиёсати”га ва қонунчилик талабларига мувофиқ, Жамият фаолияти тўғрисидаги очиқ маълумотларнинг ва ошкор этилиши лозим бўлган ахборотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш;

Жамият ахборот (маълумотлар) хавфсизлигини таъминлаш, Жамиятга оид маълумотларга эга шахсларнинг бундай маълумотлардан ўз шахсий мақсадлари йўлида фойдаланишни олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот тарқатиш воситаларидаги Жамият тўғрисидаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғри ёндашилганлигини назорат қилиб бориш. Тарқатиладиган ҳар бир салбий ва нотўғри ахборотларни ўрганиб бориш ва уларни баргараф қилиш чораларини кўриш;

Жамият ички назорат тизимининг заиф томонларини аниқлашда иштирок этиш;

бошқарув органлари ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг адекватлигини таъминлаш, уларнинг миқдорини эришилган ютуқлар натижасига мутаносиблигини таъминлаш;

професионал ва корпоратив ахлоқ тамойилларига амал қилиш.

27. Ягона акциядор ҳамда Жамият бошқарув ва ижроия органлари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш мақсадида Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқаруви қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

Ягона акциядорнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда, қонунчиликда, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда Ягона акциядор вакилларининг ушбу ҳуқуқларни амалга оширишига шарт-шароитлар яратиб бериш;

қонунчиликка асосан ошкор этиладиган маълумотларни Ягона акциядор эътиборига ўз вақтида етказиб бериш;

ҳисобланган дивидендларни Ягона акциядор белгилаган муддатлар ва миқдорларда ўз вақтида тўлаб бориши;

Ягона акциядорга манфаатлар қарама-қаршиликларини туғдириши мумкин бўлган саволлар бўйича асосли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим қилиш;

Кузатув кенгаши аъзоларининг рақобатчи компания акциялари (улушлари)ни сотиб олишда манфатдорлиги ҳамда бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этиши мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;

Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг объектив, холис, бетараф ва Жамиятни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг таркибига мустақил номзодларни киритишга интилиш.

28. Кузатув кенгаши, унинг кўмиталари, ички аудит хизмати ҳамда Жамият Бошқаруви ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф этиш мақсадида, Жамият Бошқаруви аъзолари, Жамият ходимлари қўйидагиларни амалга оширишлари шарт:

Жамият Устави, ички норматив ҳужжатлари билан Кузатув кенгаши ҳуқуқлари ва ваколатларини амалга ошириш учун Кузатув кенгаши аъзоларига шарт-шароитлар яратиб бериш;

Кузатув кенгашини белгиланган тартибда Жамият Бошқаруви фаолияти, амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

махфий ва бошқа ҳимоя қилинадиган ахборот (маълумотлар)дан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш;

Жамият обрўсига путур етказадиган мижозлар билан битимлар тузилишининг олдини олиш;

Жамият билан рақобатбардош бўлган ташкилотнинг улуши (акцияси)ни олиш мақсади тўғрисида Кузатув кенгашини хабардор қилиш;

юзага келадиган қарама-қаршиликлар ҳақида юқори мансабдор шахсларга ўз вақтида маълумот бериш;

бошқа ташкилот бошқарув органларида иштирок этиш учун Кузатув кенгашидан олдиндан рухсат олиш;

Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқарувига бир вақтнинг ўзида Жамият манфаатларига зид бўлмайдиган бошқа ташкилотда ишлаши тўғрисида маълумот бериш.

#### **§ 4. Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш**

29. Жамият, Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва ички аудит хизмати, Жамият Бошқаруви орасида юзага келган манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари Жамият манфаатига жавоб берадиган қонуний ва асосли ечим топиш чораларини кўриши лозим.

30. Ягона акциядор вакилидан Кузатув кенгаши ва ички аудит хизмати, корпоратив маслаҳатчи, Жамият Бошқарувига келиб тушган хатлар ва мурожаатлар (шу жумладан, оғзаки равишда) уларнинг аъзолари ва мансабдор шахслари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиши зарур.

31. Ягона акциядор ҳамда Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви ўртасида вужудга келган манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун:

Кузатув кенгаши раиси, мустақил аъзоси ёки корпоратив маслаҳатчи Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда воситачи сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Худди шунингдек, Бошқарув раиси ёки корпоратив маслаҳатчи Жамият Бошқаруви ҳамда Ягона акциядор ёки Кузатув кенгаши ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда воситачи бўлиши мумкин;

воситачи Ягона акциядор вакили ва Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви ўртасида бўладиган музокараларда иштирок этади, Ягона акциядор вакилига манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этади, қонунчилик нормалари, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатлари бўйича тушунтириш беради;

Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви раиси Ягона акциядорга маслаҳат ва тавсиялар беради, Ягона акциядор имзолаши учун манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлайди, Жамият номидан ўз ваколати доирасида бўлган Ягона акциядор олдида манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича мажбуриятларни олади;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви ўртасида мажбуриятларни ва зарур чора-тадбирлар бўйича зиддият бўлмаган, лекин мажбуриятларни бажариш (чора-тадбирларни амалга ошириш) тартиби, усули, муддати ва бошқа шартлари бўйича келишмовчилик вужудга келган тақдирда Кузатув кенгаши биринчи навбатда Жамият манфаатларини инобатга олиши ва Жамият учун энг мақбул ечимларни ишлаб чиқиши ва Ягона акциядорга таклиф киритиши керак.

32. Корпоратив маслаҳатчи келиб чиққан манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатлари ҳисобини юритади.

Корпоратив маслаҳатчи манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатига дастлабки баҳо беради, муаммоли масала ва унинг ечими йўллари юзасидан ўз хулосаси ва керакли ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда ушбу хулосани

манфаатлар қарама-қаршилигини кўриб чиқиш учун Жамият Бошқарувига ва Кузатув кенгашига киритади.

33. Корпоратив маслаҳатчи тез-тез юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатларини таҳлил қилади, манфаатлар қарама-қаршилигининг барча томонларига зарур қўшимча маълумотлар беради, зарур ҳолларда, манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатларини ҳал қилиш ва уларнинг сабабларини бартараф этиш учун Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш бўйича Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқарувига таклифлар киритади.

34. Манфаатлар қарама-қаршилигини кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш зарурати бўлса, Кузатув кенгаши ёки Жамият Бошқаруви томонидан тегишли ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

35. Бошқарув таркибидаги тузилмалар (департаментлар ва бошқармалар) ўртасидаги қарама-қаршиликлар вужудга келганда мазкур тузилмалар раҳбарлари дарҳол Бошқарув раисини бу ҳақда хабардор қилиши лозим, бунда мавжуд қарама-қаршилик мазмуни, келиб чиқиши сабаблари, қарама-қаршиликни ҳал қилиш бўйича таклифлари берилади. Бошқарув раиси қарама-қаршиликни ҳал қилиш учун ўз қарорини қабул қилади ёки, зарур ҳолларда, низоли масалани ўрганиш ва уни ҳал қилиш бўйича таклиф киритиш бўйича комиссия тузади.

Комиссия манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Агар манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш имкони бўлмаган тақдирда, Бошқарув раиси ушбу масалани Бошқарув мажлиси муҳокамасига киритади ва Кузатув кенгашига низо тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

36. Жамият Бошқаруви томонидан манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича тақдим қилинган маълумотлар Кузатув кенгаши томонидан манфаатлар қарама-қаршилигининг кўлами ва Жамият манфаатларига таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

37. Кузатув кенгаши Жамият Бошқаруви томонидан киритилган манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолати ва унинг Жамият манфаатларига таъсирини баҳолаш ва муаммони ҳал қилиш бўйича таклифлар бериш юзасидан ўзининг ваколатли қўмитаси ёки ички аудит хизматига бериши мумкин.

Бунда масъул қўмита ёки ички аудит хизмати уч иш куни ичида муаммони ҳал қилиш тартиби юзасидан ўз хулосаси ва таклифларини Кузатув кенгашига тақдим этади.

38. Жамиятнинг бошқарув ва ижроия органлари Жамиятда вужудга келадиган ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда қуйидагиларга мажбурдир:

юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини имкон қадар тез аниқлаш, уларнинг юзага келиши сабабларини белгилаш;

Жамият бошқарув ва ижроия органларининг ваколат доирасини ва масъулиятини аниқ чегаралаш;

Жамият ваколатли шахсини аниқлаш ёки зарур ҳолларда манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича комиссия тузиш;

қонунчилик, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатлари, Ягона акциядор қарорлари асосида манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатлари бўйича энг қисқа муддатларда тегишли қарор қабул қилиш ва ушбу қарорни бошқа қарама-қаршилиқ томонлар эътиборларига зудлик билан етказиш орқали Жамият манфаатларига зарар етказмаслик чораларини кўриш;

қабул қилинган қарор бўйича бошқа манфаатлар қарама-қаршилиги томонига тўлиқ ва батафсил жавобни юбориш;

манфаатлар қарама-қаршилиги мазкур қарама-қаршилиқни ҳал қилишда иштирок этган ваколатли шахснинг манфаатларига таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу ваколатли шахснинг Кузатув кенгаши ёки Бошқарувга зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги ўзига ёки унинг оила аъзолари манфаатларига манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларнинг мазкур манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилиши ёки ва ҳал қилишида иштирок этишига йўл қўймаслик.

39. Мазкур Сиёсатда келтирилган, манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича чоралар тугал ҳисобланмайди. Ҳар бир конкрет ҳолатда Кузатув кенгаши ёки Жамият Бошқаруви ўз ваколати доирасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келган масала бўйича мазкур Сиёсатда кўрсатилган чораларни ёки Жамият манфаатлари учун энг мақбул бошқа чора-тадбирларни қўллаши мумкин.

### **VIII. Ташкилий тузилмани жорий этиш**

40. Жамиятда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармонида тасдиқланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқ Жамиятнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланади;

ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда Жамият фаолиятининг миқёси, тармоқ хусусияти ва йўналиши ҳисобга олинади;

Жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлиги мунтазам равишда баҳолаб борилади;

бошқарув ва ижроия органлари аъзолигига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда мунтазам равишда танловлар ўтказилади;

бошқарув ва ижроия органлари аъзолигига танлов регламенти тасдиқланади, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади.

41. Кузатув кенгаши ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уни мунтазам баҳолаш бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштириб боради.

## **IX. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш**

42. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш учун:

Кузатув кенгаши йиллик молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги матнларда МҲХС деб юритилади) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботларни МҲХС га мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш масалалари бўйича ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият Бошқаруви аъзолари ва ходимлари, жалб қилинган экспертлардан (зарур ҳолларда) иборат ишчи гуруҳи тузилади;

йиллик молиявий ҳисоботларни МҲХСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун Жамият Бошқаруви томонидан аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этилади;

аудиторлик ташкилоти билан ҳамкорликда Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботларни МҲХСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишнинг “йўл харитаси” ишлаб чиқилади ва Кузатув кенгашининг йиғилишида тасдиқланади;

аудит ўтказиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга жалб этилган

Жамият ходимлари МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўқув курсларида ўқитилади;

йиллик молиявий ҳисоботларини МҲХСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича тегишли режада кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботлари МҲХСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилинади.

## **Х. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторинги**

43. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун Жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказди, бу ишни амалга ошириш учун Жамиятга мулкӣ муносабат орқали боғлиқ бўлмаган мустақил ташкилот жалб қилинади.

44. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камида бир марта ўтказилади.

45. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни кўйидаги ташкилотлар ўтказиши мумкин:

фонд биржаси;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

штатида тегишли корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси аттестати бўлган аудиторлик ташкилотлари;

аккредитациядан ўтган рейтинг агентликлари.

46. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш Кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказилади.

47. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган саволнома асосида ўтказилади.

48. Ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари Жамият сайтида баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан биргаликда эълон қилинади.

49. Ягона акциядор:

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш учун ўз маблағи ҳисобидан мустақил ташкилотни жалб қилиш ҳуқуқига эга;

Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Ягона акциядор вакилини муқофотлаш миқдорини аниқлаш учун қўллади.

## **XI. Яқуний қоидалар**

50. Мазкур Кодекс Жамият ички норматив ҳужжати бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати ва Бошқаруви аъзолари, Жамият ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

51. Мазкур Кодекс нормаларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан чора қўлланишга олиб келмайди.

52. Ягона акциядор Жамият Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати, Бошқаруви аъзоларига, Жамият ходимларига нисбатан мазкур Кодекс нормаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

53. Мазкур Кодекс нормаларини жорий этиш ва ижросини назорат қилишни Кузатув кенгаши амалга оширади.

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”  
 акциядорлик жамиятининг  
 Корпоратив бошқарув кодексига  
 1-илова

**Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича  
 ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич Тайёргарлик	Бошқарув	1. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этиш.	Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилгандан кейин бир ой мобайнида
	Бошқарув	2. Ички норматив ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	Ишчи гуруҳи ташкил этилгандан сўнг икки ой мобайнида
	Кузатув кенгаши	3. Ишлаб чиқилган ички ҳужжатларнинг Кузатув кенгаши томонидан маъқулланиши.	Материаллар Кузатув кенгашига тақдим этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида
2-босқич Жорий этиш	Кузатув кенгаши	1. Ягона акциядорга Корпоратив бошқарув кодекси нормаларига риоя қилиш масаласини киритиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш	Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин бир ой мобайнида
	Кузатув кенгаши	2. Корпоратив бошқарув кодекси нормаларига риоя қилиш тўғрисидаги хабарни бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш учун Ягона акциядорга киритиш.	Ягона акциядор томонидан белгиланган муддатларда
	Бошқарув	3. Ягона акциядор томонидан тасдиқланган Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси нормаларига риоя қилиш тўғрисидаги хабарни эълон қилиш.	Ягона акциядор томонидан тасдиқлангандан кейин 10 кун муддат ичида

<b>3-босқич</b>  <b>Мониторинг</b>		Бошқарув	1. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш учун конкурс ўтказиш.	Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказишдан бир ой аввал
		Мустақил ташкилот	2. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш ва уларнинг натижаларини кузатув кенгашига тақдим этиш	Бир йилда камида бир марта
		Кузатув кенгаши	3. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш.	Кузатув кенгашининг йил якунлари бўйича ўтказиладиган йиғилишида
		Бошқарув	4. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш.	Кузатув кенгаши қарорида белгиланган муддатларда
		Кузатув кенгаши	5. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари ҳақида Ягона акциядорга ҳисобот бериш.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”  
акциядорлик жамиятининг  
Корпоратив бошқарув кодексига  
2-илова

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi”** акциядорлик жамияти томонидан  
**Корпоратив бошқарув кодекси нормаларини ўз фаолиятига қабул**  
**қилганлиги тўғрисида**  
**ХАБАР БЕРИШ ШАКЛИ**

---

*(акциядорлик жамияти номи)*

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти шуни маълум қиладики, Жамият Ягона акциядорининг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_-сон қарори билан Жамият томонидан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдан бошлаб Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.